

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

21-сон
(937)
2020 йил
1 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

218. ««Саломатлик» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майдаги ЎРҚ–620-сон Қонуни

219. ««Соғлом турмуш» медалини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майдаги ЎРҚ–621-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

220. ««Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ–5999-сон Фармони

221. «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ–6000-сон Фармони

222. «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун

туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон Фармони

223. «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПК-4730-сон қарори
224. ««Олмалик КМК» АЖ конлари негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПК-4731-сон қарори
225. «Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги ПК-4732-сон қарори
226. «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги ПК-4736-сон қарори

Бешинчи бўлим

227. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 5 майдаги 32ққ, 15-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964-1*)
228. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 27 майдаги 110-мх-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-8*)
229. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 майдаги 21-сон «Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1975-3*)
230. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги

112-мх-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235*)

231. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 апрелдаги 2020-14-сон «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3236*)

232. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 6 майдаги 165-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-3*)

233. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 7 майдаги 2020-08-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 23 майдан 29 майгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****218 «Саломатлик» орденини таъсис этиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 5 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 майда
маъқулланган

1-модда. «Саломатлик» ордени таъсис этилсин.

2-модда. «Саломатлик» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. I ва II даражали «Саломатлик» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда) **8-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«I ва II даражали «Саломатлик» ордени»;

ўн иккинчи хатбошиси ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 май,
ЎРҚ–620-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг
2020 йил 26 майдаги ЎРҚ-620-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Саломатлик» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Саломатлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланади.

«Саломатлик» ордени билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Саломатлик» ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали «Саломатлик» ордени;

II даражали «Саломатлик» ордени.

Орденнинг олий даражаси I даражадир. Мукофотлаш, қоида тариқасида, қуйидаги тартибда: аввал II даражали орден, орадан камида уч йил ўтганидан кейин I даражали орден билан тақдирлаш тарзида амалга оширилади.

3. I даражали «Саломатлик» ордени билан:

тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига қўшган улкан ҳиссаси учун — соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбарлари ва шифокорлар;

соғлиқни сақлаш борасида йирик хайрия ва ҳомийлик ишларини амалга оширганлиги учун — ҳомийлик хайрияларини амалга оширувчи тадбиркорлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари;

жаҳон стандартларига мос давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этганлиги учун — хорижий инвесторлар, бизнес доира ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг вакиллари;

фармацевтика тармоғини ривожлантириш борасидаги самарали фаолияти ҳамда янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги учун — фармацевтика соҳасида фаолият юритувчи ходимлар, олимлар, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар;

тиббиёт соҳаси учун чуқур касбий билим ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги катта хизматлари учун — тиббиёт олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва амалиётчи шифокорлари, тиббиёт касб-ҳунар коллежлари ва техникумларининг ўқитувчилари;

аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли олиб бораётганлиги учун — республика ва ҳудудий тиббиёт муассасалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг тиббиёт ходимлари, кўнгиллар мукофотландилар.

4. II даражали «Саломатлик» ордени билан:

аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг барвақт олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларидаги катта хизматлари учун — республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимидаги тиббиёт муассасаларининг шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари;

тез тиббий ёрдам ҳамда тиббий профилактика хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун — тор ихтисосликдаги шифокорлар, умумий амалиёт ва тез тиббий ёрдам шифокорлари;

соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашга оид давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этганлиги учун — санитария-эпидемиология назорати ва санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш тизими ходимлари;

даволаш ва инсон умрини узайтиришга қаратилган саломатлик профилларини яратганлиги ҳамда амалиётга жорий этганлиги учун — соғлиқни сақлаш тизимидаги барча шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари;

тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этишга қўшган салмоқли ҳиссаси учун — соғлиқни сақлаш соҳасининг илмий доира вакиллари ва юқори малакага эга бўлган шифокорлари мукофотландилар.

5. I ва II даражали «Саломатлик» ордени билан бошқа шахслар ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун мукофотланиши мумкин.

6. I ва II даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7. I даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти олади.

8. II даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти олади.

9. I ва II даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланадиган имтиёزلардан фойдаланади.

10. I ва II даражали «Саломатлик» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

11. Ҳар бир мукофотланган шахсга тегишли даражали «Саломатлик» орденини топшириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар берилади.

Ўзбекистон Республикасининг
2020 йил 26 майдаги ЎРҚ-620-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

I ва II даражали «Саломатлик» орденининг ТАВСИФИ

I даражали «Саломатлик» ордени 1 микрон қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган кумушдан тайёрланади ва диаметри 35 миллиметрли доира шаклида бўлиб, четлари нақшинкор кўринишида хошияланган.

Орденнинг марказида тиббиёт рамзи — «идишга ўралиб турган илон» ва «гранатит»дан ясалган юрак шаклини ушлаб турган очик кафтлар тасвирланган. Унинг айланаси бўйлаб юқори қисмида яшил эмаль фонида зарҳалланган «SALOMATLIK» ёзуви, қуйи қисмида эса орденнинг даражасини билдирувчи битта саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги — 2,3 миллиметр, юлдузнинг диаметри — 3,1 миллиметр.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган. Қуйи қисмига 2 миллиметрли ўлчамдаги ботиқ шрифт билан орден рақами туширилган.

Тасвир ва ёзувлар — бўртма.

Орденнинг қалинлиги — 4,2 миллиметр.

Орден яшил рангли шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Қадағичнинг ўрта-сида зарҳалланган дафна новдаси жойлашган.

II даражали «Саломатлик» ордени кумушдан тайёрланади. Тасвир ва ёзувлар I даражали «Саломатлик» ордени кўринишида акс эттирилган. Унинг қуйи қисмида орденнинг даражасини билдирувчи иккита саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган.

Орден яшил рангли шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Қадағичнинг ўрта-сида кумуш рангда дафна новдаси жойлашган.

Қадағичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.

I даражали «Саломатлик» ордени

Олд томони

Орқа томони

**М 3:1**

II даражали «Саломатлик» ордени

Олд томони



Орқа томони



М 3:1



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

219 «Соғлом турмуш» медалини таъсис этиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 5 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 майда
маъқулланган

1-модда. «Соғлом турмуш» медали таъсис этилсин.

2-модда. «Соғлом турмуш» медали тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. «Соғлом турмуш» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда) **9-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Соғлом турмуш» медали»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 май,
ЎРҚ–621-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг
2020 йил 26 майдаги ЎРҚ-621-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Соғлом турмуш» медали тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Соғлом турмуш» медали билан:

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарarli одатларнинг олдини олиш, соғлом овқатланиш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни кенг тарғиб қилишга қўшган катта ҳиссаси учун — соғлиқни сақлаш муассасалари шифокорлари, шу жумладан диетологлар, жисмоний тарбия инструкторлари, соғлиқни сақлаш масалаларини ва соғлом турмуш тарзини ёритувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар;

жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш ва уни кундалик турмуш тарзига айлантириш, соғлом ҳаёт тарзига қатъий амал қилиш борасида жамоатчиликка шахсий намуна бўлаётгани учун — фуқаролар, намунали оилалар ва спортчилар;

оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ташкил қилиш орқали уни умуммиллий ҳаракатга айлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун — барча даражадаги ташкилот ва идоралар раҳбарлари;

ўсиб келаётган авлод ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, уни жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, руҳий баркамолликка етказиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи қўникмаларини шакллантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун — спорт мактаблари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, спорт тренерлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг бошқа мутахассислари;

спорт мусобақалари орқали ёшларда ирода, матонат, ўз кучи ва имкониятларига ишонч фазилатларини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун — мудофаа тизими вакиллари, юқори натижаларга эришган спортчилар ва уларнинг тренерлари, ҳакамлар ва спорт ташкилотларининг вакиллари;

жисмоний тарбия ва спортни республикамизда янада ривожлантириш ва оммалаштириш, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини юқори савияда ташкиллаштириш, спортчиларнинг ўқув-йиғин машғулотлари ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун — барча даражадаги ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари раҳбарлари, ҳомийлар, спорт федерация (уюшма)ларига бириктирилган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари мукофотланадилар.

2. «Соғлом турмуш» медали билан бошқа шахслар ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги алоҳида хизматлари учун мукофотланиши мумкин.

3. «Соғлом турмуш» медали билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. «Соғлом турмуш» медали билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти олади.

5. «Соғлом турмуш» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланадиган имтиёزلардан фойдаланади.

6. «Соғлом турмуш» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. Ҳар бир мукофотланган шахсга «Соғлом турмуш» медалини топшириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар берилади.

Ўзбекистон Республикасининг
2020 йил 26 майдаги ЎРҚ-621-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Соғлом турмуш» медалининг ТАВСИФИ

«Соғлом турмуш» медали 0,25 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Медалнинг олд томони қуйи қисмида Ўзбекистон Республикасининг харитаси акс эттирилган Ер шари, унинг юқори қисмида эса кўтарилаётган қуёш нурлари фонида соғлом оиланинг рамзий тасвири жойлашган. Медалнинг айланаси бўйлаб яшил эмаль фонида «SOG'LOM TURMUSH» ёзуви, қуйи қисмида эса саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги ва юлдузнинг диаметри — 3,2 миллиметр.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган. Қуйи қисмига 2 миллиметрли ўлчамдаги ботик шрифт билан медаль рақами туширилган.

Тасвир ва ёзувлар — бўртма.

Медалнинг қалинлиги — 3 миллиметр.

Медалнинг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Медалъ оқ рангли чизиклар билан ҳошияланган яшил рангдаги шойи лента қопланган беш қиррали қадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Лентанинг эни — 24 миллиметр, оқ рангли ҳошияларнинг эни — 1 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида медални кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.

«Соғлом турмуш» медали

Олд томони



Орқа томони



М 3:1



ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****220 «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида***

Жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, миллий қадрият ва анъаналаримизни муносиб давом эттириб, меҳр-оқибат, саховат, ҳиммат ва олижаноблик фазилатларини улуғлаб келаётган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга беминнат кўмак бериш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб, беғараз ҳомийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнатган бўлаётган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

«Меҳр-саховат» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Меҳр-саховат» кўкрак нишонининг тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Меҳр-саховат» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 май,
ПФ–5999-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 26 майдаги
ПФ-5999-сон Фармони
1-ИЛОВА

«Меҳр-саховат» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари:

- жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани;

- танти ва олижаноб халқимизнинг буюк тарихий ва маънавий қадриятларини, миллий анъаналарини муносиб давом эттириб, меҳр-оқибат, саховат ва ҳиммат каби юксак фазилатларни улуғлаб келаётгани;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшгани;

- хайрия ва саховат маблағларини тўғри ва холис йўналтириш, қийин аҳволга тушган аҳолига ўз вақтида беминнат кўмак беришдаги ташаббускорлиги;

- бугунги мураккаб ва оғир шароитда жамиятда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашдаги фаоллиги;

- беғараз ҳомийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнатилган бўлган учун мукофотланади.

2. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

4. Мукофотланганларга кўкрак нишони билан бирга унинг гувоҳнома-си берилади.

5. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 26 майдаги
ПФ–5999-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**«Меҳр-саховат» кўкрак нишонининг
ТАВСИФИ**

«Меҳр-саховат» кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Кўкрак нишонининг марказида кўтарилаётган қуёш нурлари фонида ғамхўрлик билан қучиб турилган инсонларнинг рамзий тасвири акс эттирилган. Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб, юқори қисмида оқ эмаль фонида «MEHR-SAXOVAT» ёзуви ва қуйи қисмида иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги — 2,2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги — 3 миллиметр.

Ёзув ва тасвирлар — бўртма.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони илмоқ ва ҳалқа ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента қопланган беш қиррали қадағичга уланган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

«Меҳр-саховат» кўкрак нишони

Олд томони



Орка томони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**221** Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги
ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида*

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди;

иккинчидан, маданият ва санъат ташкилотларининг «дўстлар клублари» фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мутлақо янгича самарали тизим яратилди;

учинчидан, музейлар реновация дастури қабул қилинди, ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган «Хоразм лазгиси» ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди;

тўртинчидан, маданий мерос объектлари ва санъат ашёларини реставрация қилиш бўйича миллий мактаб, шунингдек, халқ чолғулари, миллий рақс, мақом йўналишларида республика кўрик-танловлари қайта тикланди;

бешинчидан, мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор санъати фестивали ҳамда «Рақс сеҳри» халқаро фестивали ташкил этилиб, ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналари ва анъаналарини ҳамда маданий мулоқотни янада ривожлантириш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Концепцияни амалга ошириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизими яратилмаган.

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, бунинг учун республиканинг барча ҳудудларида театр, музей, кўчма цирк ва ҳайвонот боғлари фаолиятини доимий равишда йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш, маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Концепцияни амалга ошириш бўйича «йўл хариталари» ва чора-тадбирлар дастурларини қабул қилишда мазкур бандга мувофиқ тасдиқланаётган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни назарда тутсин.

2. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, лицензиатларнинг давлат реестрини юритиш, уларнинг фаолияти ва эришган натижалари ҳақидаги ахборотларни киритиб бориш Концерт-томоша фаолияти иштирокчиларининг ягона онлайн портали орқали амалга оширилади;

концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома бериш учун ундириладиган йиғим бекор қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, уларнинг ташаббуслари билан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳар йили тасдиқланадиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режалари (кейинги ўринларда — календарь режалар) асосида ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг календарь режаларда назарда тутилмаган давлат тадбирларини ўтказишни назарда тутувчи қарорларида ушбу тадбирларни ташкил этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар бўйича буюртмачилар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари кўрсатилади;

концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг буюртмаларига асосан кўрсатиладиган барча хизматлар ёзма ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома асосида тақдим этилади, концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи давлат муассасалари ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда — Маданият вазирлиги) ва бошқа давлат органлари томонидан давлат тадбирлари ва бошқа тадбирларга ижодкорлар ва ижрочиларнинг жамоатчилик асосида жалб қилинишига йўл қўйилмаслиги белгилансин.

4. Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ноталар тўпламлари ва махсус мусикий адабиётларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилишини ва уларнинг таълим муассасаларига тўлиқ етказилишини таъминласин.

5. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан 50 фоиз чегирма бериш тартиби жорий этилсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Маданият ва санъат соҳаси вакилларининг Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасини (кейинги ўринларда — Палата) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, Палата мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилот ҳисобланади.

Маданият вазирлиги Палата фаолиятининг дастлабки босқичларида уни қўллаб-қувватлаш учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 млрд сўм ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев, маданият вазири О.А. Назарбеков Палата ҳамда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини ташкил этишга ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Белгилансинки, мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар уларга бевосита ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг меросхўрлари томонидан берилган ваколатлар доирасида даъво билан судга мурожаат қилган тақдирда давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади.

8. Маданият вазирлиги томонидан харид қилинган, оммавий ижрога мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарларни 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб хусусий театрларда ҳам саҳналаштириш ва ижро этишга рухсат берилсин.

Бунда, хусусий театрларда саҳналаштирилган ҳамда ижро этилган асарлар учун муаллифлик ҳақи тўлаш Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва ушбу жамғарманинг бошқа даромадлари доирасида амалга оширилиши белгилансин.

9. Бой тарихи, ўзбек миллий қўғирчоқ театри мактабининг шаклланиши ва ривождаги беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, Республика қўғирчоқ театрига Ўзбек Миллий қўғирчоқ театри номи берилсин.

Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ушбу вилоятларда қўғирчоқ театрларини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида 2021 йилда Навоий, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари қўғирчоқ театрлари биноларини қуриш, уларга ажратилган биноларни реконструкция қилиш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини назарда тутсин;

2020 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасасининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, қўшимча равишда ҳайвонларни сақлаш хоналарини қуриш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларининг тўлиқ молиялаштирилишини, шунингдек қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини жорий йил охирига қадар тўлиқ якунига етказиб, фойдаланишга топширилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан ҳар бир ҳудудда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этилиши ва доимий фаолият юритишини таъминласин.

12. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларига оммавий тадбир ўтказиш учун рухсатнома ва рухсат бериш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш талаб этилмайди, бунда тадбир ташкилотчилари уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида ички ишлар органларини камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилади;

ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларида жамоат тартиби ва ёнғин хавфсизлигини тўлов ундирилмаган ҳолда таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, сайилгоҳлар ва бошқа очиқ ҳудудларда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан томоша тадбирлари ўтказиш учун ижара ва бошқа турдаги тўловлар ундирилмайди;

номоддий маданий мерос объектларини (дорбоз, аския ва лапар) асраш ва улардан фойдаланиш фаолияти Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига кирази (маданият марказлари таркибида фаолият юритаётган шахслар бундан мустасно) ва уларнинг ушбу фаолиятдан олинган даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи татбиқ этилмайди.

13. Маданият вазирлиги тизимида:

Маданият вазирлиги марказий аппарати тузилмасида маданият муассасалари ва хаваскорлик санъатини ривожлантириш, соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва рақамлаштириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими жорий этилсин;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Ўзбек мақом санъати факультети» ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи

таянч олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилсин;

давлат муассасаси шаклидаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин;

Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи этиб қайта ташкил этилсин;

В. Успенский ва Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари мактаб-интернатлар учун белгиланган имтиёзларни татбиқ қилган ҳолда тегишлича В. Успенский ва Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабларига айлантирилсин.

Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Иктидорли болалар академик лицейи ҳамда Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби негизida Маданият вазирлиги тизимида Республика мусиқа ва санъат коллежи ташкил этилсин;

14. 2020 йил сентябрь ойдан бошлаб давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи якшанбаси «очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинсин.

Белгилансинки, «очиқ эшиклар куни»да фуқаролар музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш учун давлат музейларига бепул киритилади.

15. Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020 — 2025 йиллар давомида босқичма-босқич ҳар бир туман ва шаҳарда тарих ва маданият давлат музейларининг филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган музейлар, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхатига киритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон давлат санъат музейига — санъат соҳасидаги, Ўзбекистон тарихи давлат музейига — маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси юклансин.

Маданият вазирлиги ва Фанлар академияси 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган илмий кенгашлар ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маданият вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2021 йил 1 январдан бошлаб музейларнинг илмий даражага эга бўлган ходимларининг базавий лавозим маошларини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда етакчи ижодий ташкилотларнинг «дўстлар клублари»ни ташкил этиш бўйича ижобий тажрибасини музейлар соҳасига татбиқ этилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг маданият ва санъатнинг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 апрель санасини «Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Маданият вазирлиги ўн кун муддатда «Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни»ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон Фармони 6-бандининг «а» кичик банди биринчи хатбошиси «давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

20. Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 май,
ПФ-6000-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**222** **Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири кемайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида***

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидеиомологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда 2020 йилнинг 1 июнидан «яшил» ва «сарик» тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш билан биргаликда ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлаш;

фуқароларига Ўзбекистон Республикасига киришга рухсат этиладиган мамлакатлар рўйхатини белгилаб олган ҳолда кириш туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш.

2. Белгилансинки, туроператорлар, турагентлар, шунингдек жойлаштириш воситалари учун:

2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилади;

2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилади;

2021 йил 1 январгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

Жойлаштириш воситаларига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида фойзсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 майда эълон қилинган.

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагиларга Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан белгиланган мезонлар асосида 12 ой муддатга бир марталик мақсадли фоизсиз ссудалар ажратиш шаклида:

туроператорларга 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фондининг уч барабаридан ошмайдиган миқдорда;

жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш барабари миқдорида;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги «стартап» лойиҳалар ва инновацион бизнес ғояларни, шу жумладан биринчи навбатда туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматларини умумий 1,5 миллиард сўм миқдорида қисман субсидиялаш орқали;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратиш орқали;

г) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга гидлар учун 5 миллион сўм, туроператорлар учун 10 миллион сўм миқдорида грантлар ажратиш орқали қўшимча кўмак кўрсатилади.

4. Давлат томонидан қуйидаги қўшимча кўмак кўрсатилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни субсидиялаш:

жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг фоиз харажатлари;

жойлаштириш воситаларини қуриш учун туризм соҳаси субъектларига аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган 1 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

б) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари — туроператорлар ва турагентларга кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5781-сон Фармониға мувофиқ компенсация қилинадиган чартер рейслар орқали олиб келинганлардан ташқари Ўзбекистон Республикасиға олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун 15 АҚШ доллари миқдорида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаида беш сутка бўлиши шарти билан рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан 2020 йил 31 декабрга қадар қаида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида қаида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдорида қисман субсидиялаш;

д) 2021 йил 1 июнга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳмонхоналарға тоифа олиш ёки ошириш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатларни олинган тоифани келгуси 3 йил давомида сақлаш шарти билан қуйидаги миқдорда қоплаш:

3 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 5 миллион сўм;

4 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 10 миллион сўм;

5 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 15 миллион сўм.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва коллежларға 2020 йилда ўқишға қабул қилинган барча тингловчиларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалға оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг 2020 йил 1 октябрдан бошлаб жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўловини 18 ойдан 24 ойгача узайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. 2022 йил 1 январға қадар юридик шахслар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға олиб кириладиган дезинфекция ишларини олиб бориш учун жиҳозлар, техникалар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун алоқасиз бошқарилади-

ган (сенсорли) жиҳозлар, шунингдек, ҳидсиз дезинфекцияловчи воситалар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан мазкур Фармонда назарда тутилган чоратadbирларни амалга оширишни бошлаш учун Жамғармага 20 миллиард сўм ажратилишини, шунингдек, заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра мазкур Фармоннинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тadbирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан туризм соҳасидаги техникум ва коллежларда 2020-2021 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш учун маблағлар ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Молия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш чораларининг натижадорлиги ўрганилишини ва унинг яқунлари бўйича кейинги йилларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш бўйича таклифлар 2021 йил 15 январга қадар киритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 май,
ПФ-6002-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

223 Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6000-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда — Маданият вазирлиги) фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

«Ахборот ва компьютер технологиялари маркази» давлат муассасаси «Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мультимедиа маркази» давлат муассасаси этиб қайта номлансин;

Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази тугатилсин, уларнинг бюджетдан молиялаштириладиган штат бирликлари, балансида бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари Маданият вазирлигига ўтказилсин;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ва унинг барча ҳудудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс мақомига эга бўлмаган Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда бадий экспертиза бўлимлари ташкил этилсин;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси, унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин, уларнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда мол-мулклари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда тегишлича Департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига, пул маблағлари эса — Департаментнинг бюджетдан ташқари Маданий мерос жамғармасига ўтказилсин;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Маданий мерос таъмирлаш-тиклаш» давлат унитар корхонаси ҳамда Департамент ҳузуридаги «Мерос чашмаси» давлат унитар корхонаси тугатилсин, уларга хўжалик юритиш, оператив бошқарув ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари белгиланган тартибда Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига ўтказилсин;

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматининг номи Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси этиб қайта номлансин;

«Гулистон», «Театр» ва «Мозийдан садо» журналлари таҳририятлари ягона таҳририятга бирлаштирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг «Маданий бойликларнинг олиб чиқили-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

ши ва олиб кирилиши тўғрисида», «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Музейлар тўғрисида», «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларида Маданият вазирлиги зиммасига юклатилган вазифа, функция ҳамда ваколатлар Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Маданият вазирлиги 2020 йил охирига қадар Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган моддий маданий мероснинг барча кўчмас мулк объектларини тегишли ҳудудий маданият бошқармалари ва музей-қўриқхоналарга оператив бошқарув ҳуқуқи билан ўтказилишини таъминласин, Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари жойлаштирилган бинолар бундан мустасно.

Моддий маданий мерос объектларига эгалик қилувчи ва улардан фойдаланувчи давлат органлари ва бошқа юридик шахслар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар зиммасига моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Департамент ва унинг тегишли ҳудудий бошқармалари тегишинча тугатилаётган Бадий экспертиза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидаги Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимлари бошлиқлари ўз лавозимига кўра тегишинча Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосари ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидаги Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимларининг штат бирликлари тугатилаётган Бадий экспертиза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг штат бирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча штат бирликларини ажратиш орқали шакллантирилади;

маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йиғимлар Департаментнинг Маданий мерос жамғармасига йўналтирилади.

5. Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига (кейинги ўринларда — Институт) қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, геодезия ва картография фаолияти, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият турларини тегишли лицензияларни олмасдан амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки:

Институт фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат

илмий-техникавий дастурларида назарда тутилган маблағлар, ўз фаолиятидан олган маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Институт тугатилаётган «Маданий мерос таъмирлаш-тиклаш» ва «Мерос чашмаси» давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича мажбуриятлар бундан мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданият вазирлиги тизимига ўтказилсин.

Маданият вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

бошқарув ходимлари чекланган сони 81 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

худудий маданият органлари ходимларининг чекланган сони 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида худудий маданият органлари тузилмаларини тасдиқлаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу тузилмалар ҳамда вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Мазкур бандга мувофиқ Маданият вазирлиги ва худудий маданият органлари учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган қўшимча 51 та штат бирликлари Маданият ва санъат қўргазмасининг тугатилиши ҳамда Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг қайта ташкил этилиши ҳисобига бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

8. Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 4-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин, қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6000-сон Фармонида белгилан-

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» ҳамда мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;

мазкур бандда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг доимий мониторинги ва таҳлилини олиб бориш ҳамда уларнинг натижалари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот ва асослантирилган таклифлар киритиб бориш.

9. Маданият вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда:

ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосарларининг улар масъул бўлган аниқ йўналиш ва вазифаларни назарда тутувчи функционал вазифаларини тасдиқласин;

худудий маданият бошқармалари тузилмаларида ходимларнинг мазкур қарор билан белгиланган чекланган сони доирасида моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимларини ташкил этсин;

б) бир ой муддатда:

ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги марказий аппарати ва янги тузилган бўлинмаларни зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини юқори профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган концерт-томоша хизматларининг тарифларини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

Департамент фаолиятини такомиллаштириш ва барқарор равишда молиялаштириш, ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шу жумладан уларга хизмат қилган умумий иш стажи, илмий унвон ва даражага эга бўлгани учун устамалар белгилаш, моддий-техника базасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

Маданий бойликларни реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳаларини киритсин;

г) уч ой муддатда Оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режаларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига маданият ва санъат муассасаларида Билет операциялари ягона электрон тизими ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Маданият вазирлиги:

бир ой муддатда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Оммавий ташриф буюриладиган моддий маданий мероснинг қўчмас мулк объектлари ва музейлар рўйхатини тасдиқласин;

2021 йил 1 июлга қадар ўз тизимидаги театрларнинг кириб-чиқиш жойларида театрларнинг ўз маблағлари ва Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилинадиган маблағлари ҳисобига электрон турникетлар ёки ташриф буюрувчиларни автоматик ҳисобга олишга мўлжалланган бошқа мосламалар ўрнатилиши ва уларнинг Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

11. 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими жорий этилгунига қадар Маданият вазирлиги, ҳудудий маданият бошқармалари, туман ва шаҳар маданият бўлимлари ходимлари учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ушбу харажатлар учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантиришнинг қўйидаги турлари жорий этилсин:

кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қўйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўлаш: 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан ортиқ — 0,4;

ходимлар фаолиятининг натижадорлигига кўра иш берувчининг алоҳида буйруғи билан ўрнатиладиган, лавозим маошидан (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устама;

ҳар ойлик озиқ-овқат учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида тўловлар;

ҳар ойлик йўлқира учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўловлар, хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлардан ташқари.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни амалга ошириш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида барпо этилган маданият ва санъат кўрғазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-467-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Маданият вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 май,
ПҚ-4730-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 26 майдаги
ПҚ-4730-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сон қарорига 35-илованинг рус тилидаги матнидаги изоҳнинг 1-банди «детей из малообеспеченных семей» сўзларидан кейин «и детей с ограниченными возможностями» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2778-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказининг тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

в) 1 — 6 ва 8-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3219-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига мустақиллик йилларида яратилган, юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет-ти маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3325-сон қарорининг рус тилидаги матнида 1-илованинг 3-бандидаги «Средства АО «Узшаробсаноат», ежегодно выделяемые в порядке благотворительности по собственной инициативе» сўзлари «Средства Государственного бюджета Республики Узбекистан, ежегодно выделяемые» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4068-сон қарорида:

а) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шу жумладан маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ва сертификатлар бериш»;

тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг «в» кичик бандидаги «бош меъмор ва бош инспектор» сўзлари «бош меъмор, бош инспектор ва Бадиий экспертиза бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маданият вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат музей қўриқхоналарига тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблағларнинг 90 фоиз миқдори»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мазкур қарорда назарда тутилган ҳолларда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музей-қўриқхоналарда чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 50 фоиз миқдори;

мазкур қарорда назарда тутилган ҳолларда музейларда чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 10 фоиз миқдори;

маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йиғимлар»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Белгилансинки:

Оммавий ташриф буюриладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музейлар рўйхатига (кейинги ўринларда — Рўйхат) киритилган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музейларга кириш-чиқиш жойларида 2021 йил 1 июлга қадар электрон турникетлар ёки ташриф буюрувчиларни автоматик ҳисобга олишга мўлжалланган бошқа мосламалар ўрнатилиши ва улар Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилиниши шарт;

Рўйхатга киритилган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музей-қўриқхоналарда электрон турникетлар тизими ва электрон чипталар савдосини жорий этиш харажатлари Маданият вазирлиги ва балансда сақловчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Жамғарма ҳамда тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилинадиган маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Рўйхатга киритилган музейларда электрон турникетлар тизими ва электрон чипталар савдосини жорий этиш музейларнинг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Рўйхатга киритилган ва Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилинган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музей-қўриқхоналарда чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 50 фоизи Жамғармага, 50 фоизи эса балансда сақловчиларга сақлаш харажатлари учун йўналтирилади, бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада хусусий шерик томонидан қилинган харажатларни қоплаш учун муайян давр мобайнида пул маблағларини тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилиши мумкин;

Рўйхатга киритилган ва Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилинган музейларда чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 10 фоизи Жамғармага, 90 фоизи эса музейларнинг ўзига йўналтирилади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб Рўйхатга киритилган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музейларда ҳамда Маданият вазирлиги тизимидаги театрларда чипталар савдосини Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилмаган ҳолда амалга ошириш назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминаллари қўллаш тартибини бузиш деб баҳоланади.

Департамент:

Рўйхат расмий эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида Рўйхатга киритилган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг балансда сақловчилари ва музейларнинг муассислари билан уларни 2021 йил 1 июлга қадар Билет операциялари ягона электрон тизимига босқичма-босқич интеграция қилиш графикларини тасдиқласин;

Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилинган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музейларда электрон чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг тегишли қисмини Жамғармага йўналтириш ҳақида Молия вазирлиги Ҳазначилигининг ўз вақтида хабардор қилинишини таъминласин».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентабрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 29-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари «бюджет ташкилотларида» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги маданият марказларида» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари қўйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

«14¹. Сотувчи Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши мумкин бўлмаган маданий бойликларни сотиш вақтида бу бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши мумкин эмаслиги тўғрисида харидорни ёзма равишда огоҳлантириши шарт».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида»ги 458-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 6-илова қўйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Примечание: размеры базовых должностных окладов административно-управленческого персонала:

имеющего ученую степень доктора наук или доктора наук (Doctor of Science) или приравненные к ней другие ученые степени зарубежных стран — устанавливаются с применением повышающего коэффициента 2,5;

имеющего ученую степень кандидата наук или доктора философии (Ph.D) или приравненные к ней другие ученые степени зарубежных стран — устанавливаются с применением повышающего коэффициента 2»;

б) 7-илованинг изоҳ қисми қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«имеющего ученую степень доктора наук или доктора наук (Doctor of Science) или приравненные к ней другие ученые степени зарубежных стран — устанавливаются с применением повышающего коэффициента 2,5;

имеющего ученую степень кандидата наук или доктора философии (Ph.D) или приравненные к ней другие ученые степени зарубежных стран — устанавливаются с применением повышающего коэффициента 2».

Изох: 3, 4 ва 8-бандлар 2021 йил 1 январдан кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

224 «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Олмалиқ КМК» АЖ инвестиция лойиҳаларини келгусида амалга оширишнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш, саноат ва экспорт салоҳиятини барқарор ривожлантириш, хом ашё базасини кенгайтириш, конларни қазиб олиш ва минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлашга илғор технологияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги «Ёшлиқ I» кони негизда «Олмалиқ КМК» АЖнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2807-сон қарорига мувофиқ, умумий ҳисобланган капитал қўйилмалар суммаси 1,7 млрд АҚШ доллари бўлган, 2027 йилга келиб 23 млн тонна руда қазиб олиш бўйича «Ёшлиқ-I» конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4627-сон қарорига асосан, «Renesans Holding» (Туркия) компанияси ва унинг бўлинмалари ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Олмалиқ КМК» АЖнинг қуйидагиларни назарда тутувчи «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизда рангли ва қимматбаҳо метал-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

лар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг I босқичини (кейинги ўринларда — Лойиха) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

2020 — 2024 йилларда карьер қуриш, шунингдек, йилига 60 млн тонна руда қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлган 3-сон мис бойитиш фабрикаси объектларини ҳамда инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш ва қуриш билан бирга геологик қидирув ва конни ўзлаштириш бўйича кон-капитал ишларининг биринчи навбатини амалга ошириш;

2021 — 2025 йилларда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 290 минг тонна катод миси, 38 тонна олтин ва 203 тонна кумушга етказган ҳолда, металлургия комплекси объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш ва қуриш ишларининг иккинчи навбатини амалга ошириш.

3. Қуйидагилар Лойиҳани молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

«Олмалик КМК» АЖнинг 250 млн АҚШ доллари миқдоридаги ўз маблағлари, шу жумладан, 2020 йилда 35 млн АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) Лойиҳа доирасида тузилган шартномаларни иноватга олган ҳолда сотиб олинadиган акцияларни ўрнатилган тартибда қўшимча эмиссия қилиш ҳисобига «Олмалик КМК» АЖ устав капиталига йўналтириладиган 1 млрд АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари;

махаллий ва халқаро молия институтлари консорциумининг 2021 йилдан бошлаб, Лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилгандан ва якуний қиймати тасдиқлаганидан сўнг жалб қилинадиган синдикатланган кредити маблағлари.

4. «Олмалик КМК» АЖнинг қуйидаги тартибда «тайёр ҳолда топшириш» (ЕРС) шартларида 3-сон мис бойитиш фабрикасини қуриш учун бош пудратчи сифатида «Renaissance Heavy Industries» МЧЖни (Россия) жалб қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

2020 йил охиригача инжиниринг ишлари, базавий лойиҳалаштириш, зарур капитал харажатлар ҳажми ва қийматини кафолатланган аниқликда белгилаш, шунингдек, узоқ муддатда тайёр бўлувчи ускуналарни харид қилиш ва олдинроқ бошланадиган қурилиш ишларига аванс бериш юзасидан — биринчи контракт;

ускуналарни етказиб бериш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва 3-сон мис бойитиш фабрикасини «тайёр ҳолда топшириш» (ЕРС) шартларида фойдаланишга топшириш юзасидан — иккинчи контракт.

Белгилансинки, иккинчи контрактни имзолаш биринчи контракт доирасида капитал харажатлар қийматини аниқлаш якунларига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда иккинчи контракт бўйича ҳамда узоқ муддатда тайёр бўлувчи ускуналарни харид қилиш ва олдинроқ бошланадиган қурилиш ишларига аванс бериш контрактлари бўйича «Renaissance Heavy Industries» МЧЖ (Россия) билан музокаралар олиб бориш учун «Олмалик КМК» АЖ, «SFI Management

Group» МЧЖ ХК, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимлари орасидан ишчи гуруҳ таркибини тасдиқласин.

5. «Олмалиқ КМК» АЖ:

а) 2020 йил 1 декабргача Лойиҳанинг биринчи навбати, 2021 йил 1 декабргача эса иккинчи навбати техник-иқтисодий асосланишини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ кредит консорциумини шакллантириш учун маҳаллий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

«Олмалиқ КМК» АЖга, истисно тариқасида, қуйидагиларга рухсат берилсин:

техник-иқтисодий асосланиши тасдиқлангунга қадар Лойиҳани молиялаштиришни амалга ошириш;

ўтга чидамли футеровка ва печ қуббаси муддатидан аввал эскиришининг олдини олиш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда комбинатнинг технологик ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайишига йўл қўймаслик мақсадида концентратлар ва металлургия хом ашёсини зарарсиз асосда тўғридан-тўғри шартномалар (контрактлар) бўйича олиб кириш.

6. «Олмалиқ КМК» АЖ, «SFI Management Group» МЧЖ ХК, Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тўғридан-тўғри музокаралар асосида инвестиция банклари, шунингдек, етакчи халқаро инжиниринг ва консалтинг компаниялари орасидан консультантларни қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун жалб қилиш чораларини кўрсин:

Лойиҳани амалга ошириш, лойиҳавий ва инжиниринг ишларини мувофиқлаштириб бориш, техник ва технологик ечимларни рўёбга чиқариш имкониятини ва мақбуллигини тасдиқлаш, шунингдек, Лойиҳа қийматини экспертизадан ўтказиш;

жараёнларни, шу жумладан, тендер савдолари ва контрактлар тузиш жараёнларини техник ва маслаҳат жиҳатдан кузатиб бориш, ускуналар жамланиши ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилишини назорат қилиш.

7. Жамғарма, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2021 йил 1 январга қадар Лойиҳани молиялаштириш мақсадида Жамғарма томонидан сотиб олинadиган «Олмалиқ КМК» АЖ акцияларини кейинчалик сотиш механизми тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида, истисно тариқасида, Лойиҳа доирасида «Renaissance Heavy Industries» компанияси (Россия), инвестиция банклари ва консультантлар билан тузиладиган шартномаларга, шунингдек, Лойиҳа доирасида молиялаштириладиган бошқа импорт контрактларига нисбатан «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда мажбурий экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари татбиқ этилмайди.

9. Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар ушбу қарорга мувофиқ Жамғарма харажатлари ҳажми оширилишини назарда тутувчи «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг II босқичи бўйича лойиҳа ҳужжатлари сифатли тайёрланишини таъминлаш мақсадида:

а) 2021 йил 1 августга қадар халқаро инжиниринг ва консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг II босқичи дастлабки техник-иқтисодий асосланишини (pre-feasibility study) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2022 — 2027 йилларда геологик кидирув ва конни ўзлаштириш бўйича кон-капитал ишлари, карьерни кенгайтириш, шунингдек, йилига 50 млн тонна руда қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлган 4-сон мис бойитиш фабрикаси объектларини ҳамда инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш ва қуриш;

2024 — 2028 йилларда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 400 минг тонна катод миси, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумушга етказган ҳолда, металлургия комплекси объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш ва қуриш;

б) 2021 йил 1 октябрга қадар «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришнинг II босқичини, шу жумладан, комбинат акцияларини қўшимча эмиссия қилиш йўли билан молиялаштириш манбалари ва таркиби бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) 2022 йил 1 июнга қадар «Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг II босқичи техник-иқтисодий асосланишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. «SFI Management Group» МЧЖ ХК ва «Олмалиқ КМК» АЖга Лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағлари ва жалб этилаётган синдикатланган кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича жавобгарлик юклатилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Лойиҳани амалга ошириш доирасида лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан тегишли давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

13. «Олмалиқ КМК» АЖ Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой

муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 май,
ПҚ-4731-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**225 Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида
қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари
хақида***

Республиканинг уй-жой қурилиши соҳасига замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ҳамда қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш учун жисмоний ва юридик шахслар (кейинги ўринларда — улушдорлар)нинг маблағларини жалб қилиш фақат юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда Улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхати (кейинги ўринларда — Электрон рўйхат)га киритилган қурувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин;

б) Электрон рўйхат улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчилар ҳисобини олиб бориш ҳамда улушдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида юритилади;

в) Электрон рўйхатга киритиш учун қурувчилар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 майда эълон қилинган.

кўп квартирали уйларни қуриш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаси ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

қурилиш мажмуасига кирадиган кўп квартирали уйлар ва бошқа қурилиш объектлари қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз молиявий ресурслари ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк кафолат хати мавжудлиги;

қурилиш мажмуаси учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосаси мавжудлиги («fast-track» усулида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно);

техник ва муаллифлик назорати ҳамда давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли шартномалар тузилганлиги;

улушдорлар томонидан киритилган маблағларни жалб қилиш учун тижорат банкида алоҳида ҳисобварақ очилганлиги.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

улуш киритиш асосида қурилиш учун маблағларни жалб қилиш қурувчи ва улушдор ўртасида тузилган ва белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган шартномага мувофиқ амалга оширилади;

улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш, шу жумладан, қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш ва шартномаларни ҳисобга қўйиш электрон шаклда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган электрон платформа орқали Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилади;

улушдорларнинг маблағлари қурувчининг ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича алоҳида банк ҳисобварағида жамланади ҳамда фақат қурувчи ва улушдорлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадлари учун йўналтирилади;

қурувчилар қурилиш-монтаж ишларини ўз кучи билан ёки қурилиш-пудрат ташкилотларини (бош пудратчини) жалб қилган ҳолда амалга ошириши мумкин. Бунда бош пудратчи қурувчи билан тузилган бош пудрат шартномасига асосан қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шarti билан субпудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин;

қурувчилар улушдорларнинг маблағлари сарфланиши ҳамда қурилиш объектидаги ишлар ҳақида доимий равишда ўзларининг расмий веб-сайтлари ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот бериб борадилар, шунингдек, қурилиш объектини онлайн режимида кузатиш имкониятини таъминлайдилар.

3. Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур Низом талаблари у амалга киритилгунига қадар 2020 йилда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарнома юборилган қурилиш мажмуаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг унинг марказий аппаратида мазкур вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 2 та штат бирлигидан иборат Улуш киритиш асосида қурилиш бозорини ривожлантириш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан қурувчининг алоҳида ҳисобварағидаги улушдорлар маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш тартибини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тўловга қобилиятсизлик масалаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда улуш киритиш асосида қурилишни амалга оширувчи қурувчиларни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг алоҳида тартиби назарда тутилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш, шу жумладан, қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш ва шартномаларни ҳисобга қўйишда қўлланиладиган электрон платформанинг Давлат хизматлари агентлиги ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланишини;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуришда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг улушдор сифатида иштирок этиши тартибини соддалаштириш бўйича таклифлар киритилишини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини таъминласин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 май,
ПҚ-4732-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 27 майдаги
ПҚ-4732-сон қарорига
ИЛОВА

**Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида
қуриш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг шу мақсадда жамланган маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом шартнома иштирокчиларида даромад олиш мақсади қўзланган инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар қурилиш бош бошқармалари;

улушдор — қурилиш мажмуасида бир ёки бир нечта қурилиш объектини мулк ҳуқуқи билан олиш мақсадида улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс;

улуш киритиш асосида қурилиш — кўп квартирали уйларни қурувчилар ва улушдорларнинг маблағлари ҳисобидан қуриш, реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш;

улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда — шартнома) — кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш бўйича қурувчи ва улушдор ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳисобга қўйилган ёзма шаклдаги битим;

улуш киритиш асосида қурилиш иштирокчилари — қурувчи, улушдор, қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) ва тижорат банки;

электрон платформа — улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва ваколатли давлат органи томонидан юритиладиган электрон маълумотлар базаси;

қурувчи (девелопер) — Улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхатига (кейинги ўринларда — Электрон рўйхат) киритилган, кўп квартирали уйларни қуришга мўлжалланган ер участкасига ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган юридик шахс;

қурилиш мажмуаси — қурувчи томонидан бир лойиҳа доирасида

қурилишга ажратилган ер участкасида, бир манзилда қуриладиган бир ёки бир нечта қурилиш объектлари йиғиндиси;

қурилиш мажмуасининг қиймати — қурувчининг қурилишолди харажатлари, жумладан, кўп квартирали уйларни қуриш учун ер участкасини олиш (аукцион савдолари ёки хусусий мулкдорларга компенсация тўловини амалга оширган ҳолда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларда), рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда қуриш ва фойдаланишга топшириш босқичларини якунлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган харажатлар йиғиндиси;

қурилиш объекти — шартномага асосан улушдорга топшириладиган квартира, енгил автотранспорт воситаси тўхташ жойи ва қурилиш мажмуасидаги бошқа объектлар;

қурилиш объектининг қиймати — шартномада кўрсатилган қурилиш объектининг нархи;

қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) — қурувчи билан бош пудрат шартномасини тузган ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида камида уч йиллик тажрибага эга бўлган юридик шахс.

Қурувчи қурилиш-монтаж ишларини ўз кучи билан амалга ошириши мумкин. Бунда, қурувчи мазкур Низом билан қурилиш-пудрат ташкилоти ва қурувчи учун белгиланган талабларга жавоб бериши лозим (қурувчи мазкур талабларга жавоб берадиган қурилиш-пудрат ташкилоти томонидан таъсис этилган ҳолларда унга ушбу Низом билан қурилиш-пудрат ташкилоти учун белгиланган талаблар қўйилмайди).

4. Қурувчи мазкур Низом талабларига мувофиқ улушдорлар билан тузилган шартномалар ҳисобга қўйилганидан сўнг қурилиш объектини қуриш учун улушдорларнинг маблағларини жалб қилишга ҳақли.

5. Қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) қурувчи билан тузилган бош пудрат шартномасига асосан қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шarti билан субпудрат ташкилотларини жалб қилишга ҳақли.

6. Электрон рўйхатни юритиш, шу жумладан, қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш ҳамда шартномаларни ҳисобга қўйиш ишлари ваколатли давлат органи томонидан электрон платформа орқали амалга оширилади.

7. Қурувчи томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қурилиш мажмуаси, шартнома шартлари, улушлар киритиш тартиби ва бошқа маълумотлар билан таништириш мақсадида сотув офиси ташкил этилади.

Сотув офисида қурилиш мажмуасининг эскиз чизмалари ва кичиклаштирилган макети, шартнома тузиш учун таклиф этиладиган қурилиш объектлари чизмалари, ўрнатиладиган техник ускуналар ва ташқи ҳудуднинг ҳолати билан танишиш имконияти яратилади.

8. Қурувчи ва улушдорнинг ўзаро келишувига кўра қурувчининг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта қилиниши мумкин.

2-боб. Қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш тартиби

9. Қурувчи ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича Электрон рўйхатга алоҳида киритилган бўлиши шарт.

10. Қурувчи Электрон рўйхатга кириш учун ваколатли давлат органига электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

қурувчи ва қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) билан тузилган бош пудрат шартномаси нусхаси (агар бош пудратчи жалб қилинадиган бўлса);

ер участкаси ажратиш ҳақидаги ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар (лойиҳалаштириш топшириғи ва архитектура-режалаштириш топшириғи) нусхалари;

лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосаси нусхаси («fast-track» усулида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно);

қурилиш мажмуаси қурилиши бўйича техник ва муаллифлик назоратини ҳамда қурилиш-монтаж ишлари жараёнида давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли ҳудудий назорат ташкилоти билан тузилган шартномалар нусхалари;

қурувчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

қурувчида қурилиш мажмуаси қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз молиявий ресурслари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк кафолат хати. Бунда, қурилиш мажмуасига сарфланган харажатлар суммаси ҳисобга олинади;

улушдорларнинг маблағларини жамлашга мўлжалланган тижорат банкида очилган алоҳида ҳисобварақ ҳақидаги маълумотнома;

қурувчини Электрон рўйхатга киритиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Бунда, электрон платформа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ахборот тизимига интеграция қилинганидан сўнг мазкур бандда кўрсатилган тегишли ҳужжатлар қурувчилардан талаб этилмайди.

11. Ваколатли давлат органи қурувчи томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларнинг ишончлилигини идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибида ўрганиш ҳуқуқига эга.

12. Ваколатли давлат органи уч иш кuni мобайнида қурувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уни Электрон рўйхатга киритади.

13. Ваколатли давлат органи ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумот ва ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар ҳақиқатга

тўғри келмаган ҳоллардагина қурувчини Электрон рўйхатга киритишни рад этади.

Қурувчини Электрон рўйхатга киритиш рад этилган ҳолларда, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган жавоб хати икки иш куни мобайнида юборилади. Электрон рўйхатга киритишни рад этиш сабаблари бартараф этилганидан сўнг қурувчи такроран мурожаат қилишга ҳақли. Бунда қўшимча йиғим ундирилмайди.

14. Қурувчини Электрон рўйхатга киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари микдорида йиғим ундирилади.

15. Электрон рўйхат электрон платформада юритилади.

Электрон рўйхатда барча учун очик бўлган қурувчининг номи, СТИР, манзили, таъсисчилари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

16. Электрон рўйхатга киритилмаган қурувчилар улуш киритиш асосида қурилишга улушдорларнинг маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3-боб. Шартномаларни ҳисобга қўйиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш тартиби

17. Қурувчи Электрон рўйхатга киритилгандан сўнг улушдорлар билан шартномаларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

18. Шартномада қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

қурилиш мажмуаси ва қурилиш объекти ҳақидаги маълумотлар (манзили, жойлашган жойи, квартира рақами ва бошқалар);

қурилиш объекти майдони ва қиймати;

қурилиш объектини улушдорга топшириш муддати ва ҳолати;

улушдор томонидан киритиладиган сумма микдори;

ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби;

қурилиш-монтаж ишларининг графиги;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

шартнома бўйича талаблар ҳуқуқларини ўтказиш тартиби;

қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддати;

низоларни ҳал қилиш тартиби ва тарафлар ўртасида келишилган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

19. Шартномани ҳисобга қўйиш учун қурувчи ваколатли давлат органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

имзоланган шартнома;

улушдор паспорти нусхаси, улушдор юридик шахс бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

20. Шартномани ҳисобга қўйиш учун ҳужжатлар ваколатли давлат органига электрон платформа орқали юборилади.

21. Ваколатли давлат органи шартномани уч иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ҳисобга қўяди.

Шартнома ҳисобга қўйилганлиги ҳақида хабар қурувчининг ваколатли ходими ва улушдорнинг телефон рақамига SMS-хабар орқали юборилади. Шартноманинг ҳар бир саҳифасига якка тартибдаги рақам ва QR-код берилиб, шартнома қурувчи ва улушдорга берилади.

22. Тақдим этилган шартнома ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаган ва (ёки) ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, ваколатли давлат органи шартномани ҳисобга қўйишни рад этади. Шартномани ҳисобга қўйишни рад этиш сабаблари бартараф этилганидан сўнг қурувчи такроран мурожаат қилишга ҳақли. Бунда қўшимча йиғим ундирилмайди.

23. Шартномани ҳисобга қўйиш учун қурувчидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

24. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши керак. Бунда қўшимча йиғим ундирилмайди.

25. Шартнома бекор қилинган тақдирда, қурувчи уч иш куни ичида ваколатли давлат органини электрон платформа орқали хабардор қилиши шарт.

26. Белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган шартнома шартлари бўйича улушдор томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги сабабли шартнома бир томонлама бекор қилинганда, шартномадаги қурилиш объекти бўйича тузилган янги шартномани ҳисобга қўйиш учун йиғим ундирилмайди.

27. Қурилиш мажмуаси белгиланган тартибда муаммоли объект деб топилганда ушбу қурилиш мажмуаси бўйича янги шартномалар ҳамда аввал тузилган шартномаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга қўйиш тўхтатилади.

28. Шартномага улушдорни алмаштириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Улушдорнинг ўз улушини талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахс фойдасига воз кечишини кўзда тутувчи келишувни имзолаш вақтида улушдор турмуш ўртоғининг нотариал тарзда расмийлаштирилган розилиги тақдим этилиши шарт.

Ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобга қўйилмаган шартномалар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4-боб. Ваколатли давлат органи томонидан қурилиш объектлари тўғрисида маълумотларни юритиш

29. Ваколатли давлат органи электрон платформада қурилиш объектлари тўғрисида барча учун очиқ бўлган қуйидаги маълумотларни юритади:

қурилиш объекти жойлашган қурилиш мажмуаси тўғрисидаги маълумот (кўп квартирали уйлар ва квартиралар сони, муҳандислик, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектлари, шунингдек, лойиҳага оид ёрдамчи объектлар тўғрисидаги маълумотлар);

ҳар бир қурилиш объекти бўйича тузилган шартнома ҳақидаги маълумот (тартиб рақами, тузилган санаси, киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, унинг бекор қилинганлиги);

қурувчи ва қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) ҳақидаги маълумотлар;

муаммоли қурилиш объектлари ва инсофсиз қурувчилар ҳақидаги маълумотлар.

30. Ваколатли давлат органи маълумотларнинг доимий равишда янги-ланиши ва барча учун очиқ бўлишини таъминлайди.

5-боб. Улушдорларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби

31. Қурувчи улушдорларнинг маблағларини жамлаш учун хизмат кўрсатувчи банкида ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича алоҳида ҳисобварақ очади.

32. Қурувчининг алоҳида ҳисобварағидаги маблағлардан фақат қурувчи ва улушдорлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадлари учун фойдаланилиши мумкин.

33. Норезидент жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварақларидан келиб тушган чет эл валютаси ички валюта бозорида сотилган ҳолда қурувчининг миллий валютадаги алоҳида ҳисобварағига ўтказилиши ёки тузилган импорт шартномалари бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

34. Улушдорларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун қурувчи раҳбари ва бош ҳисобчиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

35. Қурувчининг алоҳида ҳисобварағидаги маблағларни қуйидаги мақсадларга йўналтириш тақиқланади:

қурилиш мажмуасида бошланғич қурилиш ишларини амалга оширишга жалб қилинган маблағлардан ташқари бошқа қарзларни қоплаш;

қарз (молиявий ёрдам) ажратиш;

хўжалик юритувчи субъектлар устав фондини шакллантириш, акциялар, улушлар ва облигациялар сотиб олиш;

қурилиш мажмуасига тегишли бўлмаган товар (иш ва хизмат)ларни сотиб олиш;

қурилиш мажмуаси фойдаланишга тўлиқ топширилгунга қадар таъсисчиларга (акциядорларга) дивиденд тўлаш.

36. Қурилиш объекти фойдаланишга тўлиқ топширилгандан сўнг, улушдорларнинг маблағлари қурувчининг асосий ҳисобварағига ўтказилади ва қурувчи томонидан мустақил тасарруф этилади.

6-боб. Қурилиш объектларини қуриш устидан назорат

37. Қурилиш объектларини қуриш устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Улушдор:

қурилиш объектидаги қурилиш ишлари ҳолати билан танишишга;
шартнома шартлари бажарилиши бўйича қурувчидан ёзма шаклда маълумот талаб қилишга;

қурилиш объектларини қуриш устидан техник, шунингдек, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларни ёки мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширишга ҳақли.

39. Қурилиш соҳасида назоратни амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи қурилиш объектларида шартнома билан тасдиқланган қурилиш-монтаж ишларининг графигига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боради.

40. Қурувчи улушдорларнинг маблағлари сарфланиши ҳамда қурилиш объектидаги ишлар ҳақида доимий равишда ўзларининг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот бериб боради, шунингдек, қурилиш объектини онлайн режимда кузатиш имкониятини таъминлайди.

41. Қўйидаги ҳолатларда қурилиш мажмуаси ваколатли давлат органи томонидан муаммоли объектлар тоифасига киритилади:

қурилиш ва шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг қўпол равишда бузилиши;

қурилиш объектларини фойдаланишга топшириш муддати асоссиз равишда олти ойдан ортиқ муддатга кечикиши;

қурувчи томонидан улушдорларга қурилиш объектларини топшириш мажбурияти бузилиши ёки унинг банкрот деб топилиши.

42. Муаммоли объект бўйича материаллар ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

7-боб. Қурилиш объектини фойдаланишга топшириш тартиби

43. Қурилиш объекти шартномада белгиланган қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари якунлангандан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга топширилади.

44. Қурилиш объекти улушдорга топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади.

45. Қурилиш объектига нисбатан улушдорнинг мулк ҳуқуқи шартнома, қурувчи ва улушдор ўртасида имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда қурилиш объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

46. Улушдорнинг мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқуний қоидалар

47. Шартномалардан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

48. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****226 Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4296-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тушунтириш, бола ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳақидаги халқаро ҳамда миллий нормалар қоидаларини тарғиб қилиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 майда эълон қилинган.

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг ижросини ўрганиш;

ўз ваколати доирасида бола ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро стандартларини қонун ҳужжатларига татбиқ этишни ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳолатидан жамоатчиликни хабардор қилиш;

имконияти чекланган болалар, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан кейин уларнинг ижтимоий мослашувиغا қўмаклашиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган уй-жойга мухтож етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг мақсадли коммунал уй-жой фондидаги белгиланган санитария ва техник меъёрларга ҳамда қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб берадиган турар-жой билан таъминланишига қўмаклашиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қўмаклашиш, бунда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш, шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

маслаҳат, тавсия ва хулосалар бериш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (кейинги ўринларда — Вакил) ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда бажаради;

Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас;

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин;

Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ва хизмат хонасини қўздан кечиришга йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Вакилнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Вакил ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига боланинг

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя қилиниши ҳолати ҳақида маъруза тақдим этади;

бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатларига эътиборни кучайтириш зарур бўлганда Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим этиши мумкин;

Вакил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи минтақавий вакилларига эга бўлади;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Вакил билан келишилади.

4. Вакилга ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборот ва материаллар сўраб олиш;

давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш ва суд томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиш;

бола ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш ва мурожаатлар кўриб чиқиш доирасида давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатларида бола ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш;

қонунда назарда тутилган ҳолларда боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат қилиш;

боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида суд жараёнларида қонунда белгиланган ҳоллар ва шаклларда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича сўровномалар ўтказиш, шунингдек, бола ҳуқуқлари амалга оширилиши тўғрисида статистик маълумотлар йиғиш ва маълумотлар базасини шакллантириш;

бола ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқув дастурлари тайёрлашда иштирок этиш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ўқув-семинарлар ва тренинглар ташкил қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир эксперт ва илмий-таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган муассасалар, хизматлар, органларга, шу жумладан, таълим, тиббиёт муассасалари, қамокда сақлаш жойлари ва жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам равишда ва монеликсиз кириш;

Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган ва хорижий давлат ҳудудида бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги келишувларга ва бошқа шартномаларга мувофиқ бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органларига ва омбудсманларига сўровномалар юбориш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, уларнинг аъзолигига кириш, шунингдек, бошқа давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум, келишувлар тузиш, қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, бола ҳуқуқлари масалалари юзасидан халқаро форумларда мунтазам равишда иштирок этиш.

5. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини мониторинг қилиш мақсадида Вакил ҳузурида Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳолати ҳамда Вакил фаолияти юзасидан жамоатчиликни хабардор қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш таркибига обрў-эътиборли фуқаролар, олимлар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот

воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уч ой муддатда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш;

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Вакилни давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхатига қўшиш бўйича ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш тавсия этилсин.

8. Вакил 2020 йил 1 ноябрга қадар бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳолатни танқидий ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятини зарур шарт-шароитларга эга бўлган алоҳида бино (хоналар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари, шу жумладан уларнинг электрон шакллари мажбурий равишда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 май,
ПҚ-4736-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

227 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларга ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 72 ва 190-сон қарори (руйхат рақами 2964, 2018 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 3-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларнинг 1, 2, 3-позицияларидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 май,
32ққ-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 май,
15-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

228 Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-8*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги ҳамда 2020 йил 14 апрелдаги 219-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2352, 2012 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 майда эълон қилинган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 май,
110-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 27 майдаги
110-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 82-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик хизмат лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этадиган, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ бўлмаган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади.».

2. 85-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«лойиҳанинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича маълумот;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 87-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«87. Лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига, шунингдек ҳаволаки нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадлилигига номувофиқ бўлса, юридик хизмат лойиҳани тегишли эътирозлар билан қайта ишлаш учун лойиҳани ишлаб

чиқиш бўйича масъул бўлган ишлаб чиқувчининг таркибий бўлинмасига қайтаради.».

4. 89-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий давлат дастурларига оид лойиҳалар;»;

тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда ўнинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. 111-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лойиҳаларни уларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб берадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий қиладиган қоида ва нормаларни, тадбиркорлик субъектларида асоссиз харажатларни вужудга келтирувчи, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги мажбуриятлар юклатишни назарда тутувчи, уларга нисбатан жавобгарлигининг янги чораларини белгиловчи қоидаларни, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ бўлмаган қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилишни амалга оширади.».

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Юридик таъминлаш
бошқармаси бошлиғи*

Д. КАЛАНДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

229 **Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида-
ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1975-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 7 апрелдаги 42-сон буйруғи (рўйхат рақами 1975, 2009 йил 26 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 26-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 май,
21-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 20 майдаги
21-сон буйруғига
ИЛОВА

**Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Актуар ҳисоботи икки нусхада тузилади (буюртмачи ва актуар ташкилот учун биттадан), актуар хизматларини бевосита кўрсатган актуарий томонидан имзоланади ва актуар ташкилот раҳбари имзоси билан тасдиқланади. Актуар ҳисоботининг варақлари рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.».

2. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Актуар хулосаси икки нусхада тузилади (буюртмачи ва актуар ташкилот учун биттадан), актуар хизматларини бевосита кўрсатган актуарий томонидан имзоланади ва актуар ташкилот раҳбари имзоси билан тасдиқланади. Актуар хулосасининг варақлари рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.».

3. 26-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясига (бундан буён матнда Давсуғуртаназорат деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 27-банддаги «Давсуғуртаназоратга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

230 Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 майдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроаман:**

1. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорлари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 май,
112-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**231 Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3236*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 апрель,
2020-14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
30 апрелдаги 2020-14-сон қарорига
ИЛОВА

**Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ камерал солиқ текширувини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) (бундан буён матнда солиқ тўловчи деб юритилади) томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Мазкур Низом талаблари қўшилган қиймат солиғи суммаларини қоплаш ва чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган товарларни республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 майда эълон қилинган.

ганда қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш билан боғлиқ камерал солиқ текширувларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

камерал солиқ текшируви — солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув;

талабнома — камерал солиқ текширувида аниқланган солиқ ҳисоботидаги тафовутлар ва (ёки) хатоларни солиқ ҳисоботига тузатишлар кириштиш орқали бартараф этилиши ёки тушунтириб берилиши шарт эканлигини баён этувчи солиқ органи томонидан солиқ тўловчига юбориладиган ҳужжат;

аниқлаштирилган талабнома — талабномага жавобан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тафовутлар асосномасининг таҳлили асосида солиқ ҳисоботларида акс эттирилган кўрсаткичлар ва (ёки) маълумотлар орасида юзага келган солиқ ҳисоботидаги тафовутларни ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги хатоларни аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш орқали тўлиқ бартараф этилиши тўғрисидаги солиқ органининг мурожаати;

солиқ ҳисоботидаги хато — солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш объектларини ҳисобга олишда, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда солиқ ҳисоботида нотўғри маълумотлар ёки кўрсаткичларнинг акс эттирилиши;

солиқ ҳисоботидаги тафовут — солиқ тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилиши лозим бўлган кўрсаткичлар ва (ёки) маълумотлар, шунингдек солиқ органларида мавжуд маълумотлар билан солиқ тўловчининг солиқ органига тақдим этган солиқ ҳисоботларида акс эттирилган кўрсаткичлар ва (ёки) маълумотлар орасида юзага келган фарқ ёки номувофиқлиги;

тафовутларнинг асосномаси — талабномага жавобан солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган тушунтиришлар беришни назарда тутувчи ва солиқ тўловчининг важларини исботловчи ҳужжатлар тўплами;

текширувни ўтказувчи (амалга оширувчи) мансабдор шахс — солиқ органи буйруғига асосан камерал солиқ текширувини ўтказиш вазифаси юклатилган солиқ органи ходими.

3. Камерал солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 88-моддасида белгиланган даъво муддати ўтмаган солиқ даврларига нисбатан ўтказилиши мумкин.

4. Камерал солиқ текшируви солиқ органи жойлашган жойда амалга оширилади, бундан солиқ тўловчининг ҳудуд ва биноларини кўздан кечириш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш давомида солиқ органлари Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг ҳудуд ва биноларини кўздан кечириши мумкин.

Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш тадбирлари солиқ тўловчи томо-

нидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларида кўрсатилган кўрсаткичлар ва (ёки) маълумотлар ҳамда солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун ўтказилади.

Бунда, ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш тадбирлари солиқ тўловчиларда белгиланган иш режимига асосан бир иш кунидан ошмаган вақт давомида ўтказилади ҳамда ушбу тадбир давомида ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш тадбирлари Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомда (рўйхат рақами 3067, 2018 йил 7 сентябрь) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тўлдирилганидан сўнг амалга оширилади.

Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш тўғрисидаги далолатномага «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширувчи томонидан тегишли ёзув киритилади.

Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш (амалга оширувчи) мансабдор шахс «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, солиқ тўловчи ўзининг ҳудуди ва биноларини кўздан кечириш тадбирларининг ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли.

5. Камерал солиқ текшируви қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори ёки ўртача бўлганда;

солиқ органига жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мурожаатлари келиб тушганда;

солиқ ҳисоботидаги хато ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги тафовутлар аниқланганда.

Солиқ тўловчи томонидан илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботига нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси камайтирилган ёки кўрилган зарар суммаси кўпайтирилганлиги сабабли, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиш ҳолатлари бўйича ушбу солиқ тўловчида камерал солиқ текшируви ўтказилади. Бунда, камерал солиқ текширувини ўтказиш, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан уч кун ичида бошланади.

6. Агар солиқ (ҳисобот) даври учун солиқ мониторинги ўтказилаётган бўлса, бундай давр учун камерал солиқ текшируви ўтказилмайди. Мазкур қоида солиқ мониторинги муддатидан олдин тугатилганда қўлланилмайди.

7. Камерал солиқ текшируви тугагунга қадар солиқ тўловчи томонидан аввал ҳисобланган солиқ суммаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатла-

рида назарда тутилган тартибда ўзгартирилиб, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган тақдирда, камерал солиқ текшируви тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

2-боб. Камерал солиқ текширувини ўтказиш

8. Камерал солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилган буйруғи асосида ўтказилади.

9. Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги битта буйруқ асосида битта солиқ тўловчи текширувдан ўтказилиши мумкин.

10. Камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, текширувни ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр, текширилаётган солиқларнинг ва йиғимларнинг турлари кўрсатилади.

11. Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (учинчи шахсдан) мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган сўровнома орқали:

бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби регистрларини ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бошқа ҳисоб ҳужжатларини;

тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни;

солиқларни ва (ёки) йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотларни талаб қилиб олишга ҳақли.

12. Сўровнома солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади ва жўнатиш санадан эътиборан уч кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, сўровнома почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатишгандан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Сўровнома текширилаётган шахсга (унинг вакилига) шахсан имзо қўйдирган ҳолда топширилиши мумкин.

13. Сўровномада назарда тутилган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати солиқ тўловчининг ҳужжатлар тақдим этиш учун сабаблари ва зарур бўлган муддатлари кўрсатишган аризасига кўра солиқ органи томонидан узайтирилиши мумкин, бунда ариза солиқ тўловчи томонидан солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан кейинги кун давомида тақдим этилади.

14. Ҳужжатларни (ахборотни) учинчи шахслардан талаб қилиб олиш зарур бўлган ҳолларда солиқ органи текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли.

15. Камерал солиқ текшируви жараёнида текширилаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, солиқ органи Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли, бунда мазкур талаб текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган учинчи шахсларга татбиқ этилмайди.

16. Агар текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар (ахборот) бошқа ҳудудда ҳисобда турган солиқ тўловчидан (учинчи шахсдан) олиш талаб этилса, камерал солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органи тегишли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисида солиқ тўловчи (учинчи шахс) ҳисобда турган жойидаги солиқ органига топшириқнома юборади.

Топшириқномада камерал солиқ текшируви жараёнида талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар (ахборот) кўрсатилади ҳамда камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилинади.

Топшириқнома олинган кундан эътиборан уч кун ичида ҳужжатлар (ахборот) қайси шахсдан талаб қилинаётган бўлса, ўша шахснинг ҳисобда турган жойидаги солиқ органи томонидан учинчи шахсга ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабнома юборилади.

Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабномага ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

17. Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабномани олган шахс ушбу талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида уни бажаради ёки талаб қилиб олинётган ҳужжатларга (ахборотга) эга эмаслиги ҳақида хабар қилади.

Агар талаб этиладиган ҳужжатларни (ахборотни) мазкур муддатда тақдим этиш имкони бўлмаса, ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабномани юборган солиқ органи ҳужжатлар (ахборот) қайси шахсдан талаб қилиб олинган бўлса ўша шахснинг илтимосномасига кўра ушбу ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш муддатини узайтиришга ҳақли. Бундай ҳолларда ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш муддати узайтирилганлиги ҳақида топшириқнома юборган солиқ органига хабар етказилади.

18. Ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган кўчирма нусха шаклида тақдим этилади.

Талаб этилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан шахсан ёки вакил орқали тақдим этилиши, почта орқали буюртма хат билан юборилиши ёки телекоммуникация алоқа тармоқлари ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

19. Текширувни ўтказувчи (амалга оширувчи) мансабдор шахснинг талабига кўра, солиқ тўловчи электрон шаклда тузилган ҳужжатларнинг қоғоздаги кўчирма нусхаларини тақдим этиши шарт, бундан электрон ҳисоб-

варақ-фактураларнинг ахборот тизимида рўйхатга олинган электрон ҳисоб-варақ-фактуралар мустасно.

20. Солиқ тўловчидан аввалги камерал ёки сайёр солиқ текширувлари ўтказилганда солиқ органларига илгари тақдим этилган ҳужжатларни, шунингдек солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида тақдим этилган ҳужжатларни қайта тақдим этиш талаб этилмайди.

Агар ҳужжатлар илгари солиқ органига асл нусхалар тарзида тақдим этилиб, кейинчалик текширилаётган солиқ тўловчига қайтарилган бўлса, шунингдек солиқ органига тақдим этилиб, бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида йўқотилган тақдирда, ҳужжатлар текширилаётган солиқ тўловчисидан қайта талаб қилиб олиниши мумкин.

21. Солиқ органларидан тегишли ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабномани олган солиқ тўловчи ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган талабга риоя этилмасдан юборилган талабнома бўйича ҳужжатларни (ахборотни) тақдим қилишни рад этишга ҳақли.

22. Ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқномани олган солиқ органи томонидан тўпланган ҳужжатлар (ахборотлар) икки кун ичида ушбу ҳужжатларни (ахборотни) топшириқ берган солиқ органига етказилади.

23. Текширувни ўтказувчи (амалга оширувчи) мансабдор шахс текширувни амалга ошириш чоғида солиқ тўловчиларни текширув юзасидан тушунтиришлар бериш учун, шу жумладан улар томонидан солиқларнинг тўланиши (ушлаб қолиниши ва ўтказилиши) муносабати билан солиқ органига ёзма хабарнома асосида чақиришга ҳақли.

24. Солиқ органи камерал солиқ текширувини амалга оширишга доир тадбирларда иштирок этиш учун:

аҳамиятга эга бирор-бир ҳолатлар ўзига маълум бўлган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахсни кўрсатмалар бериш учун гувоҳ сифатида чақириши;

шартнома асосида эксперт, мутахассис ва таржимонни жалб этиши мумкин.

25. Камерал солиқ текширувини ўтказиш жараёнида солиқ органлари Солиқ кодексининг 14-моддасига асосан солиқ тўловчи томонидан тузилган битимлар, уларнинг юридик расмийлаштирилишидан қатъи назар ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб текширувни амалга оширади.

Бунда, битим ёки иқтисодий муносабатларнинг юридик расмийлаштирилиши унинг ҳақиқий мазмунига мувофиқ бўлмаса, солиқ органлари солиқ солиш мақсадида битимнинг юридик тавсифланишини, солиқ тўловчининг мақоми ва (ёки) унинг иқтисодий фаолияти хусусиятини ўзгартиришга, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш аломатларига эга бўлган айрим операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини эътиборга олмасликка ва солиқлар суммаларини бундай суиистеъмолликнинг таъсирини истисно этадиган тарзда ўзгартиришга ҳақли.

Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, битим қалбакилиги (кўзбўямачилик учун

тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса — солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади.

26. Текширишда ўрганилган ҳужжат ва маълумотлар юзасидан текширувни ўтказувчи (амалга оширувчи) мансабдор шахс мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда хулоса тузади.

Хулосада, текширувгача солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботлари ёки солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида аниқланган солиқ ҳисоботидаги тафовут ва солиқ ҳисоботидаги хатолар, текширув давомида солиқ тўловчининг ҳудуд ва биноларини кўздан кечириш тўғрисида баённомалар, солиқ тўловчи ва учинчи шахслардан талаб қилиб олинган ҳужжатларни (ахборотни) ўрганиш ва таҳлил натижалари, аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар, хулоса тузилган сана ва жой кўрсатилган ҳолда батафсил баён этилади.

27. Камерал солиқ текшируви юзасидан тузилган хулоса солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан уч кун ичида кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланади. Хулосага кўра солиқ ҳисоботидаги тафовутлар ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги хатолар аниқланган ҳолларда, ушбу хулоса тасдиқланганидан сўнг икки кунлик муддатда солиқ органи томонидан солиқ тўловчига мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда талабнома юборилади.

Талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади. Агар ўрганиш ва таҳлил қилиш якунларига кўра тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланмаган бўлса ҳам камерал солиқ текшируви якунланган ҳисобланади.

28. Камерал солиқ текшируви материаллари Солиқ кодексининг 135-моддасига асосан солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органида текширув тугаган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилиши керак.

29. Агар камерал солиқ текшируви давомида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда, аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш Солиқ кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Камерал солиқ текшируви давомида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари аниқланганда, мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда солиққа оид ҳуқуқбузарлик далолатномаси тузилади. Мазкур далолатнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга топширилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик далолатномаси камерал солиқ текшируви тугагунга қадар тузилиши шарт. Бунда далолатномани кўриб чиқишда талабномага нисбатан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тафовутларнинг асосномаси ҳам бирга кўриб чиқилади.

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. Камерал солиқ текширув натижалари бўйича
талабномани юбориш**

30. Талабнома камерал солиқ текширувида солиқ ҳисоботидаги тафовутлар ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги хатолар аниқланган тақдирда мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда юборилади. Талабномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

аниқланган солиқ ҳисоботидаги тафовут ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги хатолар;

кўшимча ҳисобланган солиқ ва йиғимлар ҳамда уларга пеня, шунингдек уларнинг асослари;

талабномага жавоб бериш муддати ҳамда жавоб бермаслик оқибатида Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан қўлланиладиган чора.

31. Талабнома электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади ва юборилган санадан эътиборан уч кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида ёки унинг вакилида шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, талабнома солиқ тўловчи ёки унинг вакилига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва юборилган санадан беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан талабнома олинган сана кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб топширилиши мумкин.

32. Солиқ тўловчи текширувда аниқланган солиқ ҳисоботидаги тафовут ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги хатолар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки тафовутларни асослантирувчи ҳужжатларни солиқ органига талабнома олинган кундан бошлаб ўн кун ичида тақдим этиши лозим.

33. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш солиқ органига муайян солиқ даври учун аввал тақдим этилган солиқ ҳисоботларига тузатишлар киритиш ва уни солиқ органига тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

34. Солиқ тўловчи талабнома юзасидан тушунтириш ва тафовутларнинг асосномаси билан бирга солиқ ҳисоботига киритилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

35. Солиқ тўловчи талабномада кўрсатилган тафовутларнинг асосномаси сифатида солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тақдим этишга ҳақли.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ тўловчининг номидан мустақил равишда солиқ тўловчи билан тузилган шартномага асосан асосномани тақдим этиши мумкин.

36. Талабномага жавобан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тушунтиришлар, асосномалар ва бошқа ҳужжатлар солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади. Ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида солиқ тўловчи ёки солиқ маслаҳатчиси бевосита иштирок этишга ҳақли.

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

37. Аниқланган тафовутларнинг асосномаларини кўриб чиқиш натижа-сида солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тафовутнинг асосномасига тўлиқ ёки қисман розилик бе-риш ёхуд тафовутнинг асосномаси етарли эмас деб ҳисобланишини назар-да тутувчи хулоса қабул қилади.

Солиқ органи томонидан тақдим этилган тафовут асосномаларига тўлиқ ёки қисман розилик берилган тақдирда:

тўлиқ сумма бўйича солиқ тўловчига илгари юборилган талабнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги билдириш хати;

қисман сумма бўйича солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари тўғрисида аниқлаштирилган талабнома юборилади.

Солиқ тўловчи аниқлаштирилган талабномага жавобан аниқлаштирил-ган солиқ ҳисоботини солиқ органига ушбу талабномани олинган кундан бошлаб беш кун ичида тақдим этиши шарт.

Тафовутнинг асосномаси етарли ёки етарли эмас деб ҳисоблаш ҳақида хулосанинг тўғрилиги ва адолатлилиги бўйича жавобгарлик аниқланган та-фовутларнинг асосномаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича хулоса қабул қилган солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) зиммасига юклатилади.

38. Агар солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин) ёки аниқлан-ган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса ёхуд тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудитини тайинлашга ҳақли. Бунда солиқ аудити Солиқ кодексининг 140 — 143-моддаларида белгиланган тартибда ва солиқ тўловчиларнинг юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчисига нисбатан ўтказилади.

4-боб. Яқуний қоидалар

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

40. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2020 йил 30 апрель

*Савдо-саноат
палатасининг раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 30 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

232 Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартдаги ЎРҚ-612-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон буйруғи (рўйхат рақами 3097, 2018 йил 11 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2018 й., 10/18/3097/2314-сон) билан тасдиқланган Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в. б.

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 май,
165-сон

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил
6 майдаги 165-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини
ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 98-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«98. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда ши-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 майда эълон қилинган.

коят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

МЖТКнинг 332¹-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида ушбу жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилганда.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банкка тўланади. Ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жаримани ундириб олинишига йўл қўйилмайди.».

2. 15-илова иловага* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

233 «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПК-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сонли «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 май,
2020-8-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2020 йил 7 майдаги
2020-08-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**».

2. Қоидаларда:

а) 1-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва унинг ҳудудий органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 35-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади) ёки унинг ҳудудий органи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (бундан буён матнда Давлат активларини бошқариш агентлиги деб юритилади) ёки унинг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 45¹-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва асосий муҳри» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 47-банддаги «эмитентнинг раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзолари билан тасдиқланган, эмитентнинг асосий муҳри босилган ҳужжат нусхаси тақдим этилади» деган сўзлар «эмитентнинг раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзолари билан тасдиқланган ҳужжат нусхаси тақдим этилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 57-банднинг «б» кичик бандидаги «органларида» деган сўз «бошқармаларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 58-банднинг учинчи хатбошисидаги «органларига» деган сўз «бошқармаларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 60-банднинг «д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ёки унинг

худудий бошқармаси бошлиғининг давлат корхонасини қайта тузиш тўғрисидаги буйруғи;»;

з) 61-банддаги «Давлат ракобат қўмитаси ёки унинг худудий органи» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг худудий бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 69-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«69. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари миқдорида йиғим тўлайди.»;

к) 81-банднинг иккинчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

л) 1-иловада:

«Мухр» деган сўз чиқариб ташлансин;

«ТАСДИҚЛАНГАН» (эмитентнинг номи) (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси) _____-сон (сана) М.Ў.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (эмитентнинг номи) (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси) _____-сон (сана)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ТАСДИҚЛАНГАН» (баҳоловчи ташкилот номи) (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо) (сана) М.Ў.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (баҳоловчи ташкилот номи) (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо) (сана)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 1а-иловада:

«Мухр» деган сўз чиқариб ташлансин;

«ТАСДИҚЛАНГАН» (эмитентнинг номи) (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси) _____-сон (сана) М.Ў.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (эмитентнинг номи) (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси) _____-сон (сана)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ТАСДИҚЛАНГАН» (ушбу чиқарилиш бўйича таъминот берган шахснинг номи) (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо) «___» _____ 20___ й. (сана) М.Ў.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (ушбу чиқарилиш бўйича таъминот берган шахснинг номи) (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо) «___» _____ 20___ й. (сана)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ТАСДИҚЛАНГАН» (баҳоловчи ташкилот номи) (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо) «___» _____ 20___ й. М.Ў.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (баҳоловчи ташкилот номи) (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо) «___» _____ 20___ й. (сана)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 2-иловада:

«М.Ў.» қисқартмаси ва «Мухр» деган сўз чиқариб ташлансин;

39-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«39. Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар бириктирилган, рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.»;

о) 2а-иловада:

«Мухр» деган сўз чиқариб ташлансин;

«ТАСДИҚЛАНГАН» (Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи) (тасдиқловчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо) _____ 20__ й. М.Ў.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси) (тасдиқловчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо) _____ 20__ й. М.Ў.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«(Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи буйруғининг)» деган сўзлар «(Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ёки унинг ҳудудий бошқармаси бошлиғининг буйруғи)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ёки унинг ҳудудий бошқармаси бошлиғининг буйруғига мувофиқ устав капиталининг улушлар бўйича тақсимланиши.»;

33-банднинг «к» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ёки унинг ҳудудий бошқармаси бошлиғининг корхонани хусусийлаштириш тўғрисидаги буйруғининг рақами ва санаси.»;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар бириктирилган, рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.»;

п) 2б-иловада:

«М.Ў.» қисқартмаси ва «Мухр» деган сўз чиқариб ташлансин;

29-банддаги «энг кам иш ҳақи суммасидан — 1000 баробардан» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баравари миқдоридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар бириктирилган, рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.»;

р) 2в-иловада:

«М.Ў.» қисқартмаси ва «Мухр» деган сўз чиқариб ташлансин;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар миқдори, минг сўмда:

Солиқ ва йиғимлар турлари	Қарз суммаси
1	2

»;

24-банддаги «энг кам иш ҳақи суммасидан — 1000 баробардан» деган

сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баравари миқдоридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36-банддан «ва фонднинг муҳри билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

с) 3, 6, 7 ва 8-иловалардан «Муҳр» деган сўз чиқариб ташлансин;

т) 9-иловада:

«ТАСДИҚЛАНГАН» (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) (рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо) (сана) _____-сон М.Ж.» деган сўзлар «ТАСДИҚЛАНГАН» (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) (рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо) (сана) _____-сон М.Ў.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ж.» қисқартмаси ва «Муҳр» деган сўз чиқариб ташлансин;

у) 10-иловадан «М.Ж.» қисқартмаси ва «Муҳр» деган сўз чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 23 майдан 29 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 5 майдаги 32ққ, 15-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964-1.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 27 майдаги 110-мх-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-8.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 майдаги 21-сон «Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1975-3.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мх-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 апрелдаги 2020-14-сон «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3236.

6. Ўзбекистон Республикаси фавқулдда вазиятлар вазирининг 2020 йил 6 майдаги 165-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 7 майдаги 2020-08-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-7.